ХОТИРОТ

Мени йўлга қалб бошлаб борар,
Мен қалб аталган дардни...

Зулфия

Дунёдаги барча неъматлардан фақатгина — яхши ном қолади.Уни ҳам қолдиролмаган одам албатта бахтсиздир.

Саъдий

Ҳаёт қисқа, қилган ишларинг мангу бўлиши мумкин.

Цицерон

Одам яхши (эзгу, комил) бўлган сари ўлимдан камроқ қўрқадиган бўлади.

Л.Толстой

Ҳаёт ўлимни ҳеч қачон писанд қилмайди. Ўлим рўпарасида у қаҳқаҳа уради, қўшиқ айтиб, рақсга тушади, ғишт теради, бино қуради, севади. Фақат ўлимнинг ўзини алоҳида ажратиб қарасак, унинг бўм-бўшлигини кўриб, хижолат чекамиз.

Р.Тагор

Ўлим ҳам худди ҳаётга ўхшайди, чунки ўлгандан кейин биз бошқача одам бўлиб қолмаймиз.

М.Монтень

Ўзидан мангу хотира қолдирадиган инсонлар учун туғилишнинг ўзи чинакам бахтдир.

Перикл

Барҳаётлик бирон-бир мангу нарса устида азият чекишдан иборат.

Э.Ренан

Буюк мақсадларга хизмат қилса ким,
Инсон бирodарин ўйласа агар,
Курашга бахш этса бутун ҳаётин—
Ҳаёти тарихда қолар муқаррар.

Н.Некрасов



Хотираси ўзи севган одамлар қалбида муқаддас сақланадиган инсон, менимча, тирик пайтида барҳаёт бўлиб қолиш учун зарур ишни қилиб қўйган инсондир.

Г.Эберс

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНСОНИЙ ИЗТИРОБЛАР ВА ТУЙҒУЛАР ҲАҚҚОНИЙЛИГИ

Инсоний изтиробларни тахлил қилиш инсоннинг барча фаолияти: руҳий ҳолати, борлиққа ва одамларга бўлган муносабати, ўй-фикри, ички кечинмаларини ифодалаш демакдир. Бу ҳол туйғуларнинг ҳаққоний манзараси билан уйғун келса, асарнинг бадиийлиги янаям ортади. Чунки инсоннинг бирорта фаолияти у ва бу маънода изтиробсиз кечмайди. Айниқса, маънавий юксак одамларда. Бундай жиҳат бевосита туйғулар тарбиясига боғлиқ. Инсон қачонки ўз онг йўналишини олам ва одам гўзаллигининг ботиний мазмунини англашга йўналтирса ва англаш қобилиятига эга бўлса туйғулар тарбияси амалга ошади. Бу ҳолатни таҳлил ва талқин қилиш инсоннинг гўзаллигини, яъни, ички оламини инкишоф қилишдир. Истиқлол даври ўзбек насрида, хусусан, ёшлар ҳикояларида худди шу нарсага эътибор кучайяпти. Маънавият оламини инкишоф қилишяпти. Бу ҳолни бугунги кунда яратилган қатор асарларда учратиш мумкин.

Орият, шаън, номус каби фазилатлар инсоннинг азалий қадриятларидандир. Бундай фазилат эгалари жўмард одамлар ҳисобланган. Нормурод Норқобиловнинг «Орият» ҳикояси қаҳрамони — Ҳусан полвон шундай одамлар сирасидан. У фақат ўзининг, оиласининг шаънини ўйлаш билан кифояланмасдан, қишлоғи ва унинг аҳли ор-номусини ҳам ўйлайди, ўзини бунга жавобгар ҳисоблайди, қишлоқ шаънига гард юқтирмасликни ўзининг инсоний бурчи деб билади. Холпош кампирнинг шаҳарга ўқишга кетган қизи ҳақида хунук гап оралаб қолди. Нимамиш, қиз ёмон йўлга кириб кетибди. Бу гапни эшитган Ҳусан полвоннинг бутун дунёси қоронғи бўлди: «Эшитди-ю, лекин гурунгга қўшилмади. Қишлоғига ҳасрат ва надомат ила тикилганча ёнбош тушиб ётаверди. Зоҳиран у жуда сокин эди. Ичида эса олов қайнарди. «Қишлоқни бадном қипти! Уни тўшига тортган ҳар бир наҳс биз тўдақайраҳчиларнинг устидан иршанглаб кулади энди! Ўлибмиз ҳаммамиз!» Хаёлан у қизга қарши «уруш» эълон қилди. Бир ўйи, қизни тилкалаб ташлади. Бу ўй олдингисидан, кейингилари бундан-да даҳшатли эди.

Ана шунда оила ва фарзанд дегани ориятли йигит учун тушов эканини англади. Англаши баробар ўзини ожиз ва жирканч бир маҳлуқ ўрнида ҳис этди. Қаватида ўтириб, бизам бориб бир мазасини тотиб кўрсак ёмон бўлмасди, дея ҳиринглаган яқин жўрасининг қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юборганини билмай қолди». Маълумки, жўмард одамнинг ўйи билан амалиёти бир бўлади. Ҳусан полвон ҳам фақат ўйлаш билан чекланмайди, қишлоққа ёғилган маломатни амалиётда даф қилади. У шаҳарга келиб қизни топади. Ҳақиқат ойдин бўлгач, масалани кўндаланг қўяди. «Унда менга хотин бўласан, — деди қатъий оҳангда. — Сени бугун ё чавақлаб кетишим керак, ё қаро қисматингга шерик бўлиб, номингни оқлаб олишим лозим! Эмасам, қишлоқнинг шўри қурийди! Кўринган ит устимиздан ҳиринглаб кулади! Э-э, куляптиям!» Тўғри, Ҳусан полвоннинг тутган йўли янгилик эмас. Қадимда аждодларимизнинг аксарияти шундай ориятли бўлишган. Улар ножўя қадам босганларнинг муносиб жазосини беришган. Шундан орият, шаън деган тушунчалар кучли бўлган, оқибатда иймон, эътиқод, диёнатнинг қалбларда томири мустаҳкам бўлган. Бу, албатта, ўзига хос тарбия ҳисобланган. Бундан кўринадики, қадимда инсоний комиллик фақат билим, маънавият орқали эмас, амалиёт билан ҳам белгиланган. Демак, бугунги кун адабиётнинг қаҳрамони тийнатида аждодларимизга хос бўлган инсоний хусусиятлар ўз ифодасини топмоқда.

Маънавиятга илоҳий нур деган таъриф берилади. Масалага чуқур ёндошилса бу таъриф тўғри. Чунки борлиқдаги ҳақиқат моҳиятини ҳамма англаб етмайди. Ички имкон, иқтидорга эга, яъаям аниқроқ айтсак, Оллоҳ юқтирган банда бунга муяссар бўлади. Бу нарса онанинг юксак меҳри, оилага, ўз жуфти ҳалолига садоқати туфайли болага ўтади ва унинг руҳини поклайди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Маҳзуна» ҳикояси қаҳрамони фаолиятида бу ҳақиқат қалбан ҳис қилинади.

Маҳзуна аввал ҳам, турмушга чиққач ҳам «Замонавий аёллар», яъни, эркаклар билан баббаравар қадаҳ уриштирадиган, улар билан тап тортмай муомала қиладиган, овозининг борича куладиганлар даврасида бўлмаган. Бундай ҳолатни у руҳан ҳеч ҳазм қила олмайди. Эри Мақсаджон уни шундай давраларга кўп судраган бўлса-да, бормаган. Лекин Мақсаджоннинг бу сафар «... йўқ, ҳамма хотини, эри билан келади, бир ўзим сўппайиб борсам уят бўлади», деб туриб олгани учун ноилож қолади.

Меҳмондорчиликка келгач, ўзини жуда ноқулай сезади. Айниқса, эрининг раҳбари Бўри Собитовичнинг кўзи бутун баданини тешворгандай бўлади. Бу ҳам етмагандай ичишга ундайди. Айниқса, унинг меҳмондорчилик тугаганда, даҳлизда пальтосини кийгизиш ҳолати Маҳзунани адойи тамом қилади: «...Маҳзуна чап елкасида қўланса исни туйди, пальтони кийиб улгурмай, икки кафт икки елкасидан қисиб ушлаганини, бояги қўланса ис пуркаётган оғиз ёнғига теккудек яқинлашиб, «қўнғироқлашамиз...» деганини эшитди!.. Маҳзуна орқасида ўлим шарпаси қоядек тургани, у совуқ бармоқлари билан ҳадемай бўға бошлашини олдиндан билгандай ва тақдирга тан бергандай илкис бўшашди — қўл-оёғидан мадор кетди — устидаги пальто жонли-ю, аъзои бадани бежондек бошидан ҳуши учди».

Бу ҳолат уйига келгач ҳам тарк этмади. Худди баданига шилимшиқ нарса ёпишгандек ўзини ноқулай сезди. Ваннага кириб узоқ ювинди, «чироқ нурида симобдек йилтираб тушаётган сувга, оппоқ деворга... оппоқ баданига қарашдан уялиб кафтларини юзига босганча ўксиб ҳўнграб юборди». Чунки Маҳзуна ўша ҳирсли нигоҳдан гўё бадани нопоклангандай, ўзини хўрлангандай сезганди. Ваннадан чиққач руҳи енгиллашди. Лекин «қўнғироқлашамиз» деган сўз уни таъқиб эта бошлади. Шундан Мақсаджон командировкага кетгач, жиринглаган телефон гўшагини бир сутка кўтармади. Ва, ниҳоят, қизчасининг «Ада! Адам!» деб қилган илтижосидан сўнг кўтарса, қўнғироқ қилган онаси экан. «Вой, қизим-эй, ўтакам ёрилди-я!!!— деган сўзидан ҳўнграб юборди».

Маҳзунанинг меҳмондорчиликдан кейинги изтиробларини бевосита китобхоннинг руҳига кўчади, оқибатда шундай аёллар қўлида тарбия топган авлоднинг руҳи пок, соғлом, эътиқоди мустаҳкам, маънавиятли бўлишига ишонади.

Инсоннинг руҳи фақат яхшилик оламидан эмас, ноинсонийлик дунёсидан ҳам покланади, қачонки у фикрлаш қобилиятига эга бўлса. Ҳулкар Тўймановнинг «Омонат» номли ҳикояси худди шу ҳикматдан сабоқ беради. Саксон ёшли Шарофат момо қаттиқ оғриб қолади. Яқинларини қийнаб қўйганидан хижолатда. Лекин ботинан шу кун келишини барча кутаётганини ҳис қилади. Кўпчилиги буни сездирмасликка интилади. Кичкина келини Ойдин эса, ҳеч андишасиз бу ҳолни намоён қилади. Касал одамни жеркийди, ҳатто, «Ҳм, ҳа-а инқиллаб ётибсиз?! Ундан кўра ип чийратинг, ётаверсангиз ланж бўласиз!» — дейди. Ойдин урчуқда йигирилган ипларни думалоқлаб унга опкеб ташлайверади. Момо ҳоли етгунча уларни чийратиб пишиқлайди, чийратилган ипларни ранглаб каттагина шолча тўқиса бўлади. Тоби қочгандан бери бу юмушни бажаролмай қолган.

Момонинг боши анча кундан бери ювилмагани учун сочи чигалланиб кетади, ювиб олишга эса мадори йўқ. Келинидан бу ҳақда сўраш фойдасиз. Унга мурожаат қилишдан юраги безиллайди. «Чимилдиққа кирадиган келинмидингиз, сочини қатиқлаб ювадиган!» деб гапиришларига кўп марта чидаб берган, энди эса ортиқча гап-сўзни юраги кўтармайди. Момо соғлиқ пайтида тўй-ҳашамдан бирор нарса кийиб келса, тортиб олмагунча қўймасди.

Китобхон мана шу ҳолат тасвирини ўқиб Ойдиннинг тубанлигидан нафратланади: «Кўзғолаётиб боши айланди, кўз олди жимирлаб кетди, мувозанатни сақлаб, ўрнига чўкди, ҳаял ўтиб, момо чироқ ёқди. Токча устига тўшалган газетада чумолилар ўрмалашиб юришарди. Олма пўчоғи, ўрик данаклари солинган тарелкага интилаётган

www.ziyouz.com kutubxonasi

чумолиларга кўзи тушиб, кампирнинг дили хуфтон бўлди. Молларнинг емиш челагига ташланадиган чиқитни Ойдин атай қолдирган. Момонинг эса икки букилиб, буни элтиб тўкишга мадори йўқ». Йирик адиб Асқад Мухтор ўзининг сўнгги ҳикояларидан бири «Фано ва бақо» да шундай бир фикрни келтиради: «Худованд бир инсонга икки дунёни бериб қўйибди. Аммо иймонни бой берганга иккаласи ҳам харом экан». Ҳа, Ойдинга ўхшаганларга иккиси харом. Ҳикоя воқеа тизимидан келиб чиқадиган мана шу фикр кишини ўйлашга мажбур қилади, ботинини ғаразли, зарарли пучмоқлардан тозалайди. Қалби пучмоқлардан тозаланган кишининг руҳи покланади. Демак, у ҳаётда тўғри йўл сари қадам ташлайди.

Инсон жисмонан кучли бўлиб, руҳан заиф бўлса, ундай инсон ҳеч қачон жўмард бўлолмайди. Абдуқаюм Йўлдошнинг «Эътироф» ҳикоясида шу хусусда сўз боради. Ҳаёт ҳақиқатидан маълумки, маънавиятдан ҳоли бўлган қалб нурсиз, яъни, ҳақиқат нуридан бебаҳра бўлади. Бундай кўнгилни худбинлик занги, ғараз чирки эгаллаб олиб, руҳиятида жаҳолат устунлик қилади. Ҳикоя қаҳрамонларидан бири Абдулла шундай шахс. У кураш бўйича институтнинг экс чемпиони. Бу ҳол унга шуҳрат келтиргани учун жуда ҳаволаниб кетади. Чунки институтда баҳоларини деканнинг ўзи қўйдириб беради, ҳамма ундан чўчийди. Хуллас, барчанинг диққатини тортган, эътиборини ўзига қаратган шахс. У биринчи курс талабаси Нигорани гўё кўзга яқин бўлгани учун яхши кўриб қолади. Унинг фикрича ҳар қандай қизга назар солса бўлди, ҳеч ким хоҳишига қарши бормайди. Лекин Нигора ундай қилмайди. Унинг ўз туйғуларини сездиришга уринишлари бефойда кетади. Чунки Нигора ҳаракатларнинг бирортасига эътибор бермайди. У ориқ, қўллари ингичка, жуссаси кичик Адҳам билан ёнма-ён пахта теришни давом эттиради. Абдулла Кўрбоши (уни ҳамма зўрлиги, барчага ҳукмини ўтказгани учун шундай аташарди) энди Адҳамни йўлдан олиб ташлашга уринади. Курашамиз деб мажбур қилиб, кучук боладай тупроққа қоради, елкасидан ошириб ерга уради, қулоғига Нигорадан нари юришни, бордию яна бирга кўрса ўзидан гина қилишини уқтиради. Эртаси куни эса Адҳам ҳеч нарса бўлмагандай Нигора билан пахта теради. Ўйин баҳонасида «икки килоча пахтани нам тупроққа аралаштириб икки этакка мешдай қаттиқ тугилган қўлбола тўқмоқ билан уриб ағдаради, чўмилишда оёғидан ушлаб куч билан пастга тортиб тиззаси билан қорнига тепади. Адҳам бир амаллаб типирчилай-типирчилай сув юзасига чиқади. Лекин Адҳам шундан кейин ҳам чекинмайди. Эртаси куни яна ўша ҳолда Нигора иккаласи пахта териб юрганига кўзи тушади. Энди бокс ўйнашга ундаб, юзини дабдала қилиб, шифохонага ётқизади. Талабалар энди Кўрбошини аввалгидек зўрлигига чапак чалиб олқишламас, иложи борича ундан ўзларини олиб қочишга интилишади. Шифохонада уч кун ётиб келган Адҳамни кўрган Кўрбоши одатдагидек «Курашамизми?» деган саволига индамасдан ўрнидан туради. Кўрбоши «...иккиланиброқ, ишончсиз қадамлар билан ўртага чиқиб, унинг белидан ушлади-да, қандайдир ихтиёрсиз равишда ўз инерцияси билан уни даст кўтариб, бир боғ похолдай ерга урди. Даҳшатли оғриқдан инграб юборган Адҳамнинг юзи бужмайиб кетганини кўриб, у бир зум лол бўлиб туриб қолди... У бирдан кескин ортига ўгирилди-да, ғўзаларни босиб-янчиб канал томон лапанглаб юриб кетди».

Орадан бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Абдулла бир куни хиёбонда айланиб юрган эди, бекорчиликдан Хотира майдонида суратга тушаётган келин-куёвни томоша қилмоқчи бўлди. Яқин борса келин Нигора, куёв бўлса тамом бошқа йигит эди. Шу пайт, Адҳамга кўзи тушиб қолди. У ғурурни йиғиштириб қўйиб, нега бундайлигини сўраганда, Адҳам Нигора билан ҳамкишлоқ эканлиги, биринчи курсда ҳеч кимни танимасликлари учун доимо бирга юришгани, бунинг устига Нигора унга опа. ундан икки ёш катталигини айтади. Шунда Абдулла Кўрбоши «Беш кетдим-ей!» деб юборди. Унинг биринчи марта бировга беш кетиши эди. Чунки маънавий руҳ олдида жисмоний куч таслим бўлган эди.

Арастунинг «катарсис» таълимотига кўра, ўта фожиавий ҳодиса кишини қаттиқ изтиробга солади, ўз навбатида кишини руҳий поклайди. ноҳақликка, адаолатсизликка, зўравонликка қарши киши қалбида исён туйғусини юзага келтиради. Зулҳумор Солиеванинг «Девона» ҳикоясининг ғояси шунга ишора.

Ҳикоя воқеалари тўрт манзарага қурилган бўлиб, унда ҳаёт ва жамиятнинг инсоният эътиборини қаратиши лозим бўлган муҳим муаммоси, масаласи ўз аксини топган.

Биринчи манзара шундай бошланади: «У кўчада кетиб борарди... Бунчалар ҳаммаёқ жимжит бўлмаса?» — дея ўйларди. Чунки шаҳар шовқини кар қулоқларга кирмасди. Девона жимликни бузмоқчи бўлди. «Ахир, душманлар бостириб келяпти!» — деди ўзига-ўзи. «Қандай жим туриш мумкин? Ура, олдинга! — дея бор овози билан хайқирди одамларга қараб». Бу ҳолга кўплар мийиғида кулиб ўтишарди. Ёшлар эса, «Ҳа, ака, югуринг олдинга, югуринг! — дейишди завқланиб кулишиб. Девона эса, ҳолдан тойган тарзда йўлдан четга, девор остига чўкади. Шу пайт, нигоҳлари сўлғин, ғамгин бир одам келиб, девона олдига танга ташлади. Уни кўрган кир-чирга бурканган, баданидан бадбўй ҳид бурқсиган малласоч бир кимса ҳам келиб қўл чўзди. Унинг кафтига ҳам танга ташлади. У одам нари кетгач, малла соч девонанинг олдидаги тангани ҳам олди-да, хахолаб кулганча кўздан йўқолди. Нақалар аянчли манзара! Яна ҳам аянчлиси шундаки, инсон қисматига инсонларнинг бепарволиги.

Иккинчи воқеа тасвирида девона қисматига аниқлик киритилади. У Бахтиёр номли йигит. Афғон урушига кетмасдан олдин севиб, севилган. Ҳамкишлоғи Гулзор билан аҳди-паймон қилишган, орзулар қанотида парвоз қилиб юрган йигит...

Бахтиёр армиядан қайтгач, Гулзор нимагадир ўзини олиб қоча бошлайди. Бахтиёр бир куни йўлини тўсиб, берган ваъдасини ёдига солганда, у шундай дейди: «Нима десамикан?! Менга қолса майли эди. Лекин одамлар ҳар хил гапиришяпти... Баъзан кечалари ҳовлини бошингга кўтариб, «душман» билан «жанг» қиларкансан. Охири аканглар арқон билан боғлаб қўйишармиш». Бахтиёр бу гапдан «девона... девона...» дея оёқ-қўлига қалтироқ кириб, ерга гуп этиб йиқилди. Ҳолат, руҳий туйғуларнинг табиий ва таъсирчан тасвиридан китобхон қалбида зирқироқ пайдо бўлади.

Шаҳар кўчаларида тентираб, оч қолган девона — Бахтиёр бир бино олдига келганда димоғига овқат ҳиди урилди. У ичкарига бош суқди ва кўзи стол устидаги тарелкадаги чала ейилган овқатга тушди. У столга бориб, ўтириб ея бошлади. Шу пайт, ошхонага бир қиз, икки йигит кириб келишди. Девона ўтирган жойида учта стул бўш бўлгани учун улар шу томон юришди. Қиз «Ўтираверайлик» деганига қарамай, йигитлар «Кўрганлар нима дейди?» — дейишиб бараварига қичқиришди. Девонани ҳайдашга киришишди, уни елкасидан тутишди, у қалтираб кетди. Чунки унинг кўзига улар душман бўлиб кўринди. Бу ҳолат шундай тасвирланади: «У бирдан орқасига тисарилди. Кўз олдига душманлар қўлида кечган икки йиллик асирликнинг сўнгсиз азоби келди... Йигитнинг чайир қўлларидан чиқиб кетмоқ учун юлқунди. Лекин кучи етмади. Шунда у бор овози билан бақирди — Лаънатилар!.. Қўйвор мени, ит!» Бунга жавобан йигит (новчаси) куч билан ташқарига судраб чиқиб, зинадан итариб юборди, уни юзтубан йиқилганига ҳам қаноат ҳосил қилмай, югуриб пастга тушиб, ўрнидан тураётган девонанинг юзига қулочкашлаб солди. Девона апил-тапил турди-да, қочди. Уйига келганда онаси Хуршида ая ошхонадан икки коса маставани хонага олиб кираётган эди. Бахтиёр «Қўлларингни кўтарларинг», — деб бақирди. Хуршида ая саросимаю қалтироқ ичида ўғли томон юрди. У ўғлини қўлидан тутиб, бағрига босмоқчи бўлди. Аммо Бахтиёр уни ушлаб олаётган «душман»ни жон ҳолатда итариб юборди. Хуршида ая ўғлидан бир неча қадам нарига орқаси билан гурс этиб йиқилди. Шунда Бахтиёр югуриб келиб «душман»нинг бошига зарб билан мушт туширди». Бу манзара кишини кучли изтиробга солиши табиий ҳол. Демак, инсон қалбида «катарсис» ҳодисаси рўй беради. У покланиш шу маънодаки, инсон қисматига беписанд, лоқайд қарамаслик, бандаи ожизга ачиниш туйғусини қалбга жо қилади. Унинг фожиаси моҳиятини англашга онгини йўналтиради. Бугунги яратилаётган ҳикояларнинг аксарияти инсоннинг ботиний оламини таҳлил қилиш орқали руҳ билан вужудга тўқнаш келади. Бу, албатта, покланиш жараёнининг ҳосиласидир. Эзгулик оламига даъват туйғусидир.

Ҳакимжон Каримов,
филология фанлари доктори, профессор

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

АСРЛАР, АСАРЛАР

Пиримқул Қодиров. Тил ва эл. *Илмий бадеъа*. 5
Учқун Назаров. Яшашга маҳкум этилганлар. *Роман*. 40
Жумақул Қурбонов. *Ҳикоялар*. 84

ШЕЪРИМ, СЕН ЛАЙЛИ

Жамол Камол. Тонг нурига қоришди дунё 27
Сирожиддин Саййид. Минг йиллик каломлар тўкилар шунда. 34
Вафо Файзулло. Бу қушча адирнинг мезбони. 37

ЎТМИШГА САЁҲАТ

Тўлан Низом. Аввалу охир. *Достон* 80
Нурмат Ражабов. Нуржон Ботир. *Манзара*. 112
Насимхон Раҳмон. Скифлар тўғрисида ривоятлар.. 158

ЭПКИН

Ихтиёр Ризо. Икки бургут. *Насрий лаҳзалар* 92
Матёқуб Қўшжонов. Номаълум оламлар. *Бадеъа*. 107

ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР

Икром Отамурод. Харитага тушмаган жой. *Достон*. 100
Ботирхон Акрам. Ватаннома. *Қасида-достондан ҳайратлар* 117

АДАБИЙ ДАВРА

Исо Жабборов.Тарих ва замон солномачиси. 115
Абдураҳим Солиев. «Мен-да сендек юрагимдан урилдим» 148
Ҳакимжон Каримов. Инсоний изтироблар ва туйғулар ҳаққонийлиги. 153
Ойбуви Очилова. Ям-яшил дарахт. 155
Зилола Хўжаниёзова. Заҳарханда. 156

ЎЙЛАШНИ ЎРГАНАМИЗ

Тоҳир Малик. Жиноятнинг узун йўли. *Рисола*. 122

Безовчи рассом Раҳима Қўнғирова

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. * Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. * Ойнома матбаасасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. * Обунага монеълик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 01.05.2003 й. Босишга рухсат этилди 24.06.2003 й. Қоғоз формати 70x108$^{1}/_{16}$. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 1100 нусха. Буюртма № 4867.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси,
700000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

© «Шарқ юлдузи» 2003-йил. Иккинчи фасл.

www.ziyouz.com kutubxonasi